

---

## Учкўприклик ўқувчилар «Баркамол авлод» спорт мусобақалари совриндори бўлди

Учкўприк туманидаги 2-сонли касб-ҳунар мактаби ўқувчилари «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг волейбол спорт тури бўйича ўғил болалар ўртасида ўтказилган республика босқичи совриндори бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 12 та спорт тури бўйича анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ёшларнинг истеъдодини намоён этишда катта мактаб бўлиб келмоқда.

Профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» спорт мусобақалари республика финал босқичининг навбатдаги турнири Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида бўлиб ўтди.

Волейбол бўйича ўғил болалар ўртасида ўтган мусобақада ҳудудий саралаш босқичларида ғалаба қозониб, республика финал босқичига йўлланма олган жамоалар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Кескин қарама-қаршилиқлар остида кечган мусобақа якунида Учкўприк туманидаги 2-сон касб-ҳунар мактаби ўқувчиларидан ташкил топган Фарғона вилояти жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

2024-02-28 15:20:12